

## Вафот этган қорақалпоғистонлик имом-ноибнинг оиласига вақф фонди томонидан уй ҳадя қилинди



17:19 / 03.03.2021 1891

Вақф хайрия жамоат фонди раҳбари Яҳё қори Абдурахмонов 1-2 март кунлари Қорақалпоғистон Республикасига ташриф буюриб, бир қанча хайрия тадбирларини амалга оширди.

Хусусан, Қўнғирот тумани «Ҳаким Сулаймон» жоме масжиди имом-ноибни пандемия даврида Covid вирусини сабаб вафот этган Маҳаммад Али қори Мамутовнинг аёли ва уч нафар вояга етмаган гўдак фарзандларига Нукус шаҳрида қуриб битказилган 3 хонали янги хонадон ҳадя қилинди. Ушбу янги хонадон ҳомийларни жалб этган ҳолда амалга оширилди.

*«Аллоҳ таоло бизни оғир мусибат билан синади. Учта гўдак етимларим билан ижарада, нима қилишга ҳайрон бўлиб маҳзунликда яшардим. Аммо, Аллоҳдан такрор ва такрор ёлвориб сўрадим, умид қилдим. Шукрлар бўлсинки, ўзим кутмаган вақтда, Вақф фонди томонидан бугун бизга, Нукус шаҳри марказидан, тайёр, уй-рўзғор буюмлари ва мебеллари билан 3 хонали янги хонадон ҳадя қилинди. Бунинг учун фонд раҳбар-ходимларига, хайрия қилган инсонларга раҳмат дейман. Инша аллоҳ фарзандларимни ҳам худди отаси каби динга, халққа, ватанга хизмат қиладиган инсон бўлиб улғайишига ҳаракат қиламан», деди, марҳум имом-ноибнинг аёли.*

Умму Саъийд бинти Мурра Фихрийдан, у отасидан ривоят қилинади: «**Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ўз етимини ёки бегонанинг етимни кафолатига олган, агар Аллоҳга тақво қилса, мен билан жаннатда мана бундай бўлади», деб икки бармоқларига ишора қилдилар».**

Мазкур хайрли тадбирда хизмати ва саховати билан иштирок этган барча сахий инсонларни Аллоҳ таолонинг Ўзи мукофотласин!